

Сергелида истироҳат боғи яратилди



Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Сергели туманида барпо этилган экопаркни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 21 майда Учтепа туманига ташрифи чоғида Тошкент шахри туманларида истироҳат боғлари ташкил этиб, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича топшириқ берган эди.

Шунга мувофик, Сергели туманида умумий майдони 10 гектар бўлган «Flowers Garden Park» ташкил этилди. Шундан 5 гектари боғ, 5 гектари гул сотиш марказидир.

Боқقا йирик гулли магнолия, фотиния фразери, қора сосна, игна баргли арча, “Кримсон кинг” чинори каби 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали дараҳт ва 20 турдаги 60 мингдан зиёд бута олиб келиб этилган. Аҳолининг кўнгилли ҳордик чиқариши учун ресторон, савдо шоҳобчалари ташкил этилган.

Туркиянинг “Natural Peyzaj” ширкати билан ҳамкорликда бунёд этилган боғда 200 та иш ўрни яратилган. Малакали агроном ва энтомологлар жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари боғда яратилган шароитлар билан танишди, манзарали дараҳтлар ва гул дўйонларини кўздан кечирди.





O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



Манба

Ozbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI